

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИ БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ШАРИПОВ САНЖАР САЛОМОВИЧ

**БУРУН ОРҚАЛИ НАФАС ОЛИШИ БУЗИЛГАН БЕМОРЛАРДА
РОНХОПАТИЯНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА КЕЧИШНИ КЛИНИК-
ГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.04 – Оториноларингология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of the doctor of science (DSc)

Шарипов Санжар Саломович

Бурун орқали нафас олиши бузилган беморларда ронхопатиянинг шаклланиши ва кечишини клиник-генетик жиҳатлари 5

Шарипов Санжар Саломович

Клинико-генетические особенности развития и течения ронхопатии у больных с нарушением носового дыхания..... 29

Sharipov Sanjar Salomovich

Clinical and genetic features of the development and course of ronchopathy in patients with impaired nasal breathing..... 54

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 58

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИ БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ШАРИПОВ САНЖАР САЛОМОВИЧ

**БУРУН ОРҚАЛИ НАФАС ОЛИШИ БУЗИЛГАН БЕМОРЛАРДА
РОНХОПАТИЯНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА КЕЧИШНИ КЛИНИК-
ГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.04 – Оториноларингология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/Tib409 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tsdі.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyo.net.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий консультант: **Хасанов Улуғбек Саидакромович,**
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар: **Арифов Сайфитдин Сайдазимович,**
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Гусейнов Назим Мамедович,
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Озарбайжон Республикаси)
Гильдиева Маргарита Сабировна,
биология фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Астана тиббиёт университети (Қозоғистон Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100016, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй. Тел./Факс: +99871-230-20-73; e-mail: info@tsdi.uz).

Докторлик диссертацияси билан Тошкент давлат стоматология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100016, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй. Тел./Факс: +99871-230-20-73.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги № __рақамли реестр баённомаси)

Н.Қ.Хайдаров
Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

Л.Э.Хасанова
Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.А.Абдукаюмов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё аҳолиси ўртасида бугунги кунда ронхопатия бўлган беморларнинг умумий касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари юқори кўрсаткичга эга бўлиб, стационар ва поликлиникадаги беморларнинг аҳамиятли қисмини ташкил этади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...ронхопатия ўрта ёш гуруҳидаги эркакларда 4% ва аёлларда 2% қайд этилади ва бу қандли диабет касаллигининг тарқалганлик даражасига яқин ҳамда оғир бронхиал астма учраш частотасидан икки барабар кўп...»¹. Хуррак отишга, кўпинча, етарлича баҳо берилмайди ва бу уйқунинг обструктив апноэси синдроми (УОАС) каби йўлдош патологик ҳолатларни ташхислашда муваффақиятсизликка олиб келади. УОАС апноэ/гипопноэ индекси (АИГ) ва ёш каби мезонларга кўра учта оғирлик даражасига ажратилади. Охирги ўн йиллик давомида тиббиёт нафақат уйқуда нафас олиш бузилишининг патофизиологик асосларини тушуниш, балки мазкур патологик ҳолатларни даволаш борасида ҳам аҳамиятли ютуқларга эришди. Бироқ ронхопатиянинг ривожланишида генетик омилларнинг ўрни борасидаги масалалар ҳануз ўз ечимини топмасдан қолмоқда.

Жаҳонда ронхопатияга таъсир кўрсатувчи генетик омилларнинг муҳим аҳамиятга эгаллигини тасдиқловчи қатор ишончли клиник ва эпидемиологик тадқиқотлар мавжуд бўлса ҳам, унинг генетик асоси ҳанузгача аҳамиятли даражада аниқланмасдан қолмоқда. Илгари амалга оширилган гипоксемия ва нафас олишнинг кўзгалувчанлигига мойиллик каби потенциал жиҳатдан муҳим генетик детерминланган физиологик омиллар ҳақида чекланган ахборот сақловчи генетик тадқиқотлар апноэ/гипопноэ индекси ёрдамида аниқланган белгиларга қаратилган эди. Бурун полиплари, аденоидлар, бурун тўсиғининг қийшайиши каби ЛОР-аъзоларидаги касалликлар ҳамда бўйиннинг калталиги ва семизлик бурундан нафас олишнинг бузилишига олиб келади. Шу сабабли, бурун бўшлиғи функционал ҳолатини текширишнинг объектив усулларини қидириш ва бурундан нафас олишни текшириш натижаларини стандартлаштириш оториноларингология соҳасидаги долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда, бу ушбу тадқиқотнинг мақсадини белгилаб берди.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, ронхопатияни камайтириш мақсадида «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш

¹ ЖССТнинг ташкилотининг йиллик ҳисоботлари

тарзини кўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби устивор вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар ронхопатияни эрта ташхислашни мукамаллаштиришда генетик ва полисомнографик таҳлил асосида касалликни эрта босқичда ташхислаш ва самарали даволашни амалга ошириш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади ҳамда шу йўл орқали ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда ронхопатия кенг тарқалган касаллик бўлиб, ҳар қандай ёшдаги инсонда қайд этилади. Ронхопатиядан дунёнинг 30 ёшдан ошган 5–7% аҳолиси азият чекади, бунда популяциянинг 1–2%и УОАСнинг оғир даражасига чалинганлар бўлиб ҳисобланади (Lindberg E., Elmasry A., Gislason T., 1999; Marin J.M., Gascon J. M., Carrizo S., 1997). Ронхопатиянинг тарқалганлиги аёлларда 10%дан эркакларда 30%гачани ташкил этади (Ротарь О. П., Свиряев Ю. В., Конради А. О., 2004). Умуман олганда, ронхопатиянинг умумий популяцияда тарқалганлиги 1%дан 13%гача бўлиб, бунда рақамлар мамлакат, аҳоли гуруҳи ва ёшга кўра кескин фарқланади.

Сўнгги пайтларда ронхопатия шаклланишида генетик омиллар тўғрисида илмий далиллар кўпаймоқда. Қатор ҳолатларда бу патологик ҳолат аниқ генетик детерминланган. Семириш, юз-жағ морфологияси, уйқуда нафас олиш бузилишларининг пайдо бўлиши, кундузги уйқучанликка таъсир кўрсатувчи генларнинг ўзаро таъсири «қулай» ташқи омиллар ёрдамида хуррак отишга мойилликнинг шаклланишини юзага келтириши мумкин, шунинг учун ронхопатияга мультиомил ирсий касаллик сифатида қараш керак бўлади. Умуман, барча ҳолатларнинг 35–40% ида УОАСни генетик

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

омилларнинг аҳамияти билан тушунтириш мумкин (Palmer L. J., Vuxbaum S. G., Larkin E., 2003). Жумладан, тадқиқотларда агар оилада хуррак отувчи биринчи даражали қариндошлар бўлса, ушбу касалликнинг ривожланиш хавфи ўрта популяциядагилар билан таққосланганда 2 баробар ошиши кузатилган. (Gislason T., Johannsson J. H., Haraldsson A., 2002). Ронхопатия ривожланишида генетик омилларнинг аҳамиятини англагандагина, алоҳида нозология бўлиши мумкин бўлган нафас, юрак-қон томир ёки эндокрин дисфункция билан боғлиқ синдромнинг бир қисми бўлган ушбу мураккаб касалликнинг патогенезини тушуниш осонлашади. Ронхопатия пайдо бўлиш хавфини ошириши мумкин бўлган генетик вариантларнинг аниқланиши ушбу касаллик ривожланишини эрта бочқичларда даволаш, ўз вақтида ташхислаш ва касалликнинг камайишига олиб келиши тўғрисида илмий хулосалар ўз исботини топмоқда.

Ронхопатияни ташхислаш ва даволашнинг асосий босқичи риноскопияда кўринадиган бурун бўшлиғи архитектоникасининг ҳар қандай меъёрдан оғишини тўғрилашни ўз ичига олади. Қатор муаллифлар бурун ичи структурасини тўғирлаш хуррак отишдан 50% ҳолда қутулиш имконини беришини таъкидлашади (Расулев С.Д., Нормирзаев А.Х., Маткулиев Х.М., 2015). Аммо ҳозирги кунда бурун ва ҳалқум обструкцияси қай даражада хуррак отишнинг интенсивлигига ва апноэ эпизодлари қайталанишига таъсир қилиши, шунингдек, бурун орқали нафас олишнинг бузилишини бартараф этиш унинг кечишга қандай таъсир кўрсатиши етарлича ўрганилмаган (Хасанов У.С., Воҳидов У.Н., 2020).

Ронхопатия патогенези, клиникаси, ташхислаш ва даволаш усулларига бағишланган кўплаб тадқиқотларда муаммо ўз ечимини топган бўлсада, унинг аҳоли орасида учраш даражаси юқорилиги кузатилмоқда. Бу тенденция ронхопатияни ташхислашда, даволашда профилактик чоратадбирларнинг самарали ва иқтисодий тежамкор усулларни ишлаб чиқишга, молекуляр-генетик текширувларга асосланган патогенетик чуқурлаштирилган тадқиқотлар ўтказилишини тақозо этади. Айни вақтда NOS3 (rs2070744), TGFb1 (rs1800471), VEGFA (rs2010963) генлари локусларининг генотипик шакллари тарқалишини ўрганиш ва уларнинг ронхопатия ривожланиши ва клиник кечишидаги ролини баҳолаш заруратини англайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институти Оториноларингология кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 011400202 «Юқори нафас йўллари ва қулоқнинг яллиғланиш, яллиғланишсиз касалликларини ташхислаш ҳамда даволашни такомиллаштириш» (2020–2024) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бурун орқали нафас олиш бузилганда ронхопатиянинг ривожланиши ва клиник кечишида NOS3 (rs2070744), TGFb1 (rs1800471), VEGFA (rs2010963) генлари полиморф локуслари генотипик аҳамиятини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

беморларни комплекс текширувдан ўтказиш ва ронхопатиянинг этиопатогенезида турли омилларнинг ролини баҳолаш;

ронхопатия ривожланишида гендер ва ёшга боғлиқ хусусиятларнинг аҳамиятини аниқлаш;

ронхопатияли беморлар ва назорат гуруҳидаги нисбий соғлом шахслар орасида NOS3 (rs2070744), TGFb1 (rs1800471), VEGFA (rs2010963) генлари локуслари аллел ва генотипик вариантларининг аҳамиятини баҳолаш мақсадида тарқалиш частоталарини аниқлаш;

NOS3 (rs2070744), TGFb1 (rs1800471), VEGFA (rs2010963) генлари полиморфизмининг генотипик вариантларини бурун орқали нафас олиш бузилишлари шаклланиши ва ронхопатиянинг ривожланишидаги ассоциатив боғлиқлик даражаларини баҳолаш;

ронхопатия ривожланиши хавфининг прогностик мезонларини ўрганиш ва ташхислаш алгоритмининг такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси ЛОР бўлимида даволанган 208 нафар бемор ҳамда назорат гуруҳидаги 50 нафар соғлом киши олинган.

Тадқиқотнинг предмети ронхопатияли беморлар ва уларнинг периферик веноз қонидан олинган материаллар иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда анкеталаш, клиник, лаборатор, эндоскопик, радиологик ва функционал текшириш, полисомнография, фаол риноманометрия, генетик ҳамда статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ронхопатия ривожланишига таъсир кўрсатувчи NOS3 (rs2070744), TGFb1 (rs1800471), VEGFA (rs2010963) генлари генетик омиллар сифатида баҳоланган. Ронхопатиянинг ривожланишида NOS3 (rs2070744) генининг аҳамиятсиз, TGFb1 (rs1800471), VEGFA (rs2010963) генларининг аҳамиятли эканлиги исботланган;

бурун орқали нафас олиши бузилган ронхопатияли беморларни ронхопатиянинг оғирлик даражасига асосланиб, уларда полисомнография ва қондаги кислороднинг парциал босимини ўлчашнинг статистик ишончли кўрсаткичларга асосланган корреляцион натижалари исботланган;

илк бор VEGFA генида rs 2010963 полиморфизмининг C/C генотипик вариантини ронхопатиянинг ривожланишига нисбатан ҳимоя роли мавжудлиги исботланган;

илк бор бурун орқали нафас олиши бузилган ронхопатияли беморлар учун TGFb1 (rs1800471), VEGFA (rs2010963) генларини аниқлашдан иборат бўлган диагностик усулларнинг оптимал инфор­мацион доираси аниқланган;

олинган клиник ва генетик маълумотлар асосида ронхопатияни эрта ташхислашнинг такомиллаштирилган алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бурун орқали нафас олиши бузилган ва ронхопатияси бўлган беморларда уйқунинг обструктив апноэ синдроми ривожланиши олдини

олишда касалликни эрта аниқлаш учун ўтказиладиган анкеталаш натижаларининг аҳамияти амалиётда муҳим эканлиги кўрсатиб берилган;

бурун орқали нафас олиши бузилган беморларда ронхопатияга мойилликни эрта аниқлаш учун анъанавий текширувларга қўшимча равишда полисомнография ва қонда биокимёвий текширувларни ўтказишнинг амалий жиҳатдан самарадорлиги аниқланган;

ронхопатияси бор беморларнинг бурун орқали нафас олиш ва чиқариш функциясини баҳолашда олдинги фаол риноманометрик текширувнинг аҳамияти муҳимлиги асосланган;

бурун орқали нафас олиши бузилган беморларда ронхопатияни ташхислашга қаратилган такомиллаштирилган алгоритмининг амалиётга самараси асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишларида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги етарли миқдордаги беморларда ўтказилган умуклиник, оториноларингологик, полисомнография текширув усуллари, генетик ва статистик текширувлар натижалари билан тасдиқланган. Барча натижалар ва хулосалар далилий тиббиёт тамойилларига асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, бурундан нафас олишнинг бузилиши ронхопатия ва УОАСни кечишига аҳамияти баҳоланди. Бурун орқали нафас олиши бузилган беморларда ронхопатиянинг кечиши ва оғирлик даражаларининг шаклланишига генетик омилларнинг таъсири илмий асосланди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти бурун орқали нафас олиши бузилган беморларда полисомнография, фаол риноманометрия усуллари ўз ичига олган комплекс текширув ўтказиш, бурун орқали нафас олишнинг бузилиш даражасига асосланган ҳолда ронхопатияни ташхислаш самарадорлигини ошириши билан изоҳланади, такомиллаштирилган ташхислаш алгоритми ронхопатияни эрта ташхислаш имконини берган;

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бурундан нафас олиши бузилган беморларда ронхопатияни ташхислаш самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бурун орқали нафас олиш бузилганда ронхопатиянинг ташхислаш алгоритмини такомиллаштириш бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Бурун орқали нафас олиш бузилганда ронхопатиянинг ташхислаш алгоритми» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 11 мартдаги 8н-р/201-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома бурундан нафас олиши бузилган беморларда ронхопатияни такомиллаштирилган ташхислаш алгоритми ёрдамида ронхопатияни эрта босқичларида аниқлашга эришилган;

ронхопатия ривожланишига таъсир кўрсатувчи NOS3 (rs2070744), TGFb1 (rs1800471), VEGFA (rs2010963) генларини аниқлашда қўлланган

молекуляр-генетик текширувнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Ронхопатияда молекуляр-генетик тадқиқот усулларини жорий этиш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 11 мартдаги 8н-р/202-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома бурундан нафас олиши бузилган беморларда ронхопатияни ривожланиши ва кечишида генетик омилларнинг ролини аниқлаш имконини берган;

бурун орқали нафас олиши бузилган ронхопатияли беморларда ҳалқум ҳолатини функционал баҳолаш учун ўтказилган текширишнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Ронхопатияда ҳалқум ҳолатини функционал ташхислаш ёрдамида баҳолаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 11 мартдаги 8н-р/203-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ронхопатияли беморларда ҳалқумдаги патологик ўзгаришларни ронхопатиянинг ривожланишидаги ролини баҳолаш имконини берган;

бурундан нафас олиши бузилган беморларда ронхопатияни ташхислашни баҳолашга қаратилган илмий-тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, “Happy Life Medical Centre” клиникаси ва Тошкент шаҳар 7-клиник шифохонасида клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 8 июлдаги 8н-р/223-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши ронхопатияли беморларда касалликни эрта босқичларида ташхислаш ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 166 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ронхопатия бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш,

нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ронхопатияни этиопатогенетик ривожланишининг хусусиятлари, ташхислаш ва даволаш чоратadbирларига замонавий ёндашув (Адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида бурундан нафас олиши қийин бўлган беморларда ронхопатия келиб чиқишида генетик омилларнинг роли, эпидемиологияси ва тарқалганлиги, этиологик омиллари, касалликнинг ташхислаш ва самарали даволашга оид усуллари баён этилган маҳаллий ва хорижий манбалар асосида таҳлил қилинган. Ронхопатияни ташхислаш усуллари ахамияти очиб берилган ва долзарб вазифалари келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотнинг материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси ЛОР бўлимида 2015–2021 йилларда ётиб даволанган 208 нафар беморда ўтказилган тадқиқот натижалари баён қилинган.

Қўйилган вазифаларни бажариш учун Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси ЛОР бўлимида 2015–2021 йилларда ётиб даволанган ронхопатия касаллиги мавжуд 208 нафар беморда тадқиқот ўтказилди. Беморлар орасида эркаклар 144 нафарни (73%), аёллар 64 нафарни (27%) ташкил қилди. Беморларнинг ёши 18 ёшдан 70 ёшгача бўлиб, ўртача ёш $44,5 \pm 6,8$ ҳисобланди.

Назорат гуруҳини тадқиқотда иштирок этишга розилик билдирган, Тошкент тиббиёт академияси бакалаврият ва магистратура талабалари, клиник ординаторлардан иборат 50 нафар соғлом шахслар ташкил этди.

Беморлар орасида меҳнатга энг лаёқатли ёшдаги, айнан 31–50 ёшдаги шахслар кўпчиликини ташкил этди. Беморларни саралаш клиник ва лаборатор текширишлар воситасида амалга оширилди. Бурун орқали нафас олиши бузилганда ронхопатия ташхиси иккита патогномоник синдром – патологик хуррак ва тунги гипоксемия аниқланиши асосида қўйилди. Агар бемор 7 сутканинг 5 суткасида хуррак отса, бу патологик хуррак ҳисобланди. Меъёрда катта ёшлиларда 83–108 ни ташкил этувчи кислороднинг артериал кучланиши – pO_2 параметри бўйича гипоксемия мавжудлиги баҳоланди. Нормал pO_2 ўпкадан кислороднинг адекват киришини, паст pO_2 – ўпкадан кислороднинг ноадекват киришини кўрсатади.

Беморларнинг асосий гуруҳи касаллик кечишининг оғирлик даражасига кўра икки гуруҳга ажратилди:

I гуруҳни енгил даражали ронхопатия билан оғриган 124 нафар беморлар ташкил этди.

II гуруҳни эса ўртача оғирлик даражасидаги ронхопатияли 84 нафар беморлар ташкил қилди.

Назорат гуруҳини 50 нафар ронхопатиясиз соғлом кишилар ташкил этди. Назорат гуруҳидаги барча кишилар муайян тиббий талабларга жавоб беришди. Назорат гуруҳидаги кишиларнинг ўзлари ва қариндошларининг анамнез маълумотларида хуррак отиш йўқ, кислород етишмовчилигига таъсир кўрсатувчи бурун орқали нафас олишнинг бузилганлиги, юқори

нафас йўллариининг ўткир ва сурункали яллиғланиш касалликлари, ўпка ва бронхлар касалликлари, юрак-қон томир тизими, қон тизимида патологик ўзгаришлар каби аниқланмади.

Кўриқдан ўтказилган беморларда касалликнинг ижтимоий аҳамияти таҳлил қилинганда хуррак отишдан нафақат бемор, балки унинг атрофидагилар ҳам азият чекиши аниқланди: тунги уйқу пайтида беморнинг шовқинли нафас олиши туфайли унга яқин инсонлар ухлашга қийналишади, беморлар хуррак туфайли санаторий, дам олиш уйлари, саёҳатларга, тунаб қолиш билан меҳмондорчиликларга боролмайди. Агар бундай жойларда бемор кимнингдир ёнида ухлашига тўғри келса, ухламасликка, пиёда юриб чиқишга, тўшакда ухламасдан ўтиришга ҳаракат қилади. Оилаларда хуррак отиш билан боғлиқ қанча келишмовчиликлар ҳам юзага келади.

Барча беморларда аъзоларни текшириш, лаборатор текширишлар (қоннинг умумий ва кимёвий таҳлили, сийдик таҳлили, қоннинг ОИВ инфекциялари, А, В, С гепатитлар, сифилисга антитанаси, дифтерияга текшириш учун ҳалқумдан суртма), ўпкалар, бурун атрофидаги бўшлиқлар рентгенографиясини ўз ичига олувчи ҳар томонлама текширишлар ўтказилди.

Биз «Ринолан» фирмасининг (Россия) риноманометри ёрдамида олд фаол риноманометрияни қўлладик. Риноманометрия натижалари график ва рақамли аҳамиятлар кўринишида бир пайтнинг ўзида мослама орқали берилди.

Тана вазни индекси (ТВИ) ва бўйинни антропометрик текшириш ҳам ўтказилди. Ушбу индекс килограммлардаги тана вазнини квадратга олинган метрдаги бўй узунлигига бўлиш орқали ҳисобланади ($ТВИ = \frac{ОҒИРЛИК}{БЎЙ^2} = КГ/М^2$).

Ронхопатия, унинг шакллари ва асоратларини ташхислаш учун уйқу пайтида организмнинг турли функцияларини комплекс баҳолаш имконини берувчи тунги скрининг-мониторинглашдан фойдаландик. Ронхопатияли беморларда касалликнинг ҳолатини баҳолаш учун «Нейрософт» компаниясининг (Россия) «Нейрон-спектр-4/ВПМ» полисомнограф аппаратида Тошкент шаҳрида жойлашган “Prof Med Service” клиникасида ўтказилди. Скрининг-мониторинглаш комплексига қуйидаги усуллар киради: текширишлар давомида уйқу/бедорлик ҳолатини аниқлаш имконини берувчи электроэнцефалография (ЭЭГ); юрак қисқаришлари ритмининг бузилиши ҳамда қоннинг кислородга тўйинишини аниқлаш имконини берувчи пульсоксиметрия; уйқу пайтида тўшакда тана ҳолати, кўкрак қафаси ва қорин девори ҳаракатчанлиги, апноэ/гипопноэ эпизодлари ва хуррак интенсивлигини аниқлаш. Полисомнографияда ўтказилувчи кўплаб усуллардан натижаларни таҳлил қилиш учун биз апноэ/гипопноэ эпизодлари ва хуррак интенсивлиги кўрсаткичлари (бир соатда нафас олиш тўхташлар сонининг ўртача миқдори)дан фойдаландик.

Бурун бўшлиғи структурасининг ўзгаришлар характери ҳамда ҳалқумнинг юмшоқ тўқималари обструкцияси даражасини аниқлаш учун биз KARL STORZ фирмасининг (Германия) эгилувчан эндоскопида фиброскопия


ўтказдик. Биринчи ва иккинчи гуруҳлардаги беморларда риноскопик манзарани таққосладик. Шунингдек, олд, ўрта ва орқа клапани соҳасида буруннинг ўнг ва чап ярми учун алоҳида-алоҳида бурун бўшлиғи шиллик қавати ҳолати батафсил баҳоланди.

Ронхопатияда юқори нафас йўллари обструкцияси даражасини сифатли белгилаш ва жарроҳлик амали жараёнида вентилицион бузилишлар даражаси ҳақида визуал тасаввур бўлиши учун беморларда слипвидеоэндоскопия ўтказилди.

Радиологик текшириш (рентген ва компьютер томография (КТ)) учун PHILIPS-MEDIO 50 CP аппаратида бурун атрофи бўшлиқлари рентгенографияси 208 нафар беморда ўтказилди. Аксиал, коронар проекцияларда буруннинг кўшимча бўшлиқлари компьютер томографияси (GE Light Speed RT Advantage компьютер томографи) 104 нафар беморда бажарилди. Текширишлар компьютер томографияси ва нур диагностикаси бўлимларида ўтказилди.

Молекуляр-генетик текширишлар Гематология РИИПТМ Молекуляр тиббиёт ва хужайравий технологиялар бўлимида (профессор Х.Я.Каримов раҳбарлигида) бажарилди. Тадқиқот ишининг ушбу қисми бир нечта босқичлардан иборат бўлди: 1. Қон олиш. 2. Периферик қон лимфоцитларидан ДНКни ажратиш. 3. ПЗР ўтказиш. 4. Натижалар электрофорези ва визуализациясини ўтказиш (зарурат бўлганда). NOS3, TGFβ1, VEGFA генлари полиморфизмлари ассоциациялари таҳлили «case-control» (тасодиф-назорат, иккита танланмани таққослаш) типи бўйича моделдан фойдаланиб ўтказилди. «Тасодиф» танланмаси ронхопатияли 104 нафар бемордан шакллантирилди. Назорат танланмаси учун материал сифатида ҳам мустақил танланган, ҳам ЎЗР Гематология РИИПТМ ДНК базасида сақланувчи геномли ДНК препаратларидан фойдаланилди. Назорат гуруҳини текширилган гуруҳ беморларига жинс ва ёш бўйича мос келувчи ($p>0,05$) ҳамда анамнезида ронхопатия қайд этилмаган, қариндош бўлмаган соғлом 50 нафар донорлар (ўзбек миллатига мансуб) ташкил этди. Генетик текширишлар ва олинган маълумотлар таҳлили хавфларни башоратлаш сифати ва шаффофликни ошириш мақсадида GRIPS тамойилларига мувофиқ ўтказилди. Периферик қондан ДНК изоляцияси учун «АмплиПрайм РИБО-преп» («AmpliSens», Россия) реагентлари жамланмасидан фойдаланилди. Ажратилган ДНК концентрацияси А260/280 нм тўлқин узунлигида NanoDrop 2000 (NanoDrop Technologies, АҚШ) спектрофотометрида ўлчанди. А260/280 нисбатда аниқланувчи ДНК препаратидан ажратилган барча намуналар тозалиги 1,7/1,8 ни ташкил этди. Олигопраймерларни танлаш учун NOS3, TGFβ1, VEGFA генлар кетма-кетлигини қидириш GenBank NCBI (<http://www.ncbi.nlm.nih.gov/GenBank>) да ўтказилди. Нуклеотид кетма-кетлиги ва олигопраймерлар характеристикасини баҳолаш «Oligo v.6.31» (Molecular Biology Insights Inc., АҚШ) дастури ёрдамида бажарилди. Стандарт ПЗР ўташишда ДНК амплификацияси учун «Gene Pak® PCR MasterMix Core» («IsoGene Lab. Ltd.», Россия)дан фойдаланилди.

РОНХОПАТИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ТАШХИСЛАШ АЛГОРИТМИ



1-расм. Ронхопатияни такомиллаштирилган ташхислаш алгоритми

Бурун орқали нафас олиши бузилган беморларни эрта ташхислаш мақсадида ронхопатияни такомиллаштирилган ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилди (1-расм).

Ушбу тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили тавсияларга мувофиқ (О.Ю.Реброва, 2002) Statistica 7.0 (StatSoft, Inc., АҚШ) дастурий пакетидан фойдаланиб бажарилди. Миқдорий белгиларнинг тавсифий статистикаси ўртача квадратик оғишлар билан тақдим этилган ($M \pm s$ форматда). Сифат белгиларнинг тавсифий статистикаси абсолют ва нисбий частоталар билан келтирилган. Миқдор ва тартиб белгилари бўйича боғланмаган гуруҳларни таққослаш учун Манн-Уитнининг нопараметрик тести қўлланди. Сифат белгилари бўйича боғланмаган гуруҳларни таққослаш Хи-квадрат тести ва Фишернинг нуқтали мезонидан фойдаланиб ўтказилди. Фаразларни текширишда аҳамиятлиликнинг $p < 0,05$ даражасига эришилганда натижалар статистик аҳамиятли ҳисобланди.

Диссертациянинг «**Бурундан нафас олиши бузилган беморларда ронхопатия кечишининг клиник-функционал хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида бурун орқали нафас олиши қийин бўлган беморларда ронхопатия клиникасини ўрганиш мақсадида 208 нафар беморда комплекс равишда клиник-функционал, лаборатор ва инструментал текшириш усуллари таҳлил қилинган.

беморларда бурун ва ҳалқум бўшлиқларида ҳаво ўтказувчи йўллар оралиғида шаклланувчи ҳажмли гипертрофиялар ва яллиғланиш-инфекцион генезли патологик жараёнлар аниқланди. Бундан ташқари буруннинг пастки чиғаноқлари гипертрофияси (текширилганларнинг 40-60% ида), бурун тўсиғи қийшайиши (48-68% ида) фонида буруннинг умумий, ўрта, пастки йўллари торайган, натижада бурундан нафас олиш, бурун бўшлиғидан ҳавонинг ўтишини қийинлашган. Биз томонимиздан текширилган беморларда бурундан нафас олишнинг қийинлашиши нафақат бурун йўлларининг

торайиши, балки юмшоқ танглай гипертрофияси сабабли бурун-ҳалқум пастки қисмларининг торайиши билан ҳам боғлиқ бўлди.

Бурун-ҳалқум қуйи қисмлари ҳамда бурун бўшлиғининг торайиши натижасида ҳаво оқимининг ўтиш тезлиги ва ҳажмини камайтириб, ҳаво оқимиға кўшимча қаршилиқни яратади, яъни бурун бўшлиғида ҳаво ҳаракати аэродинамикасини ўзгартиради.

«Ринолан» (Россия) риноманометри ёрдамида I ва II гуруҳ ронхопатияли беморларда ўтказилган олдинги фаол риноманометрия бурун ҳар бир ярмининг нафас олишга қаршилиғи (RES L ва RES R), бурун бўшлиғининг ҳаво оқимиға тўлиқ қаршилиғи (RES L+R), шунингдек, бурун ҳар бир ярмининг нафас олиш ҳажми (FLOW L ва FLOW R), бурун бўшлиғининг умумий нафас олиш ҳажми (FLOW L+R) аниқлаш имконини берди.

Бурундан нафас олиши бузилган ронхопатияси бўлган беморларда бурун бўшлиғида ҳаво оқимининг умумий ҳажми (FLOW L+R) I гуруҳда ўртача 344 см³/сек, II гуруҳда – 319 см³/сек, назорат гуруҳида 590–600 см³/сек ни ташкил этганлигини айтиш имконини беради. Яъни бурун бўшлиғида нафас олиш ҳаво оқимининг ўртача катталиғи I гуруҳда – 42%, II гуруҳда – 46% га камайган. Бурун бўшлиғида нафас олинувчи ҳаво оқимиға тўлиқ қаршилиқнинг ўртача катталиғи (RES L+R) I гуруҳда 0,23 л/с, II гуруҳда – 0,29 л/с, назорат гуруҳида – 0,10–0,15 л/с ни ташкил этди. Бинобарин, тўлиқ қаршилиқ кўрсатиш катталиғи ўртача I гуруҳда – 92%, II гуруҳда – 42% камайган (I гуруҳга нисбатан 1,5 баробар катта).

Семиз одамларга биз семириш белгилари бўлган беморлар сифатида муносабатда бўлдик. Семиришда организмда ортиқча тана вазнининг ўртача нормал катталиқлардан 20% ва ундан кўпроқ ортишига олиб келувчи ёғларнинг тўпланиши содир бўлади. Тана вазниға боғлиқ ҳолда вазнининг 29% дан кўпроқ ортиши бўлганда I даражали семириш, ортиқча вазн 30–49% ни ташкил қилганда – II даражали семириш, ортиқча тана вазни 50–99% га тенг бўлганда – III даражали семириш, ортиқча вазн 100% ва ундан юқори бўлганда – IV даражали семириш фарқланади.

Кўриқдан ўтказилган шахслардан 146 нафари (70,2%) семизликдан азият чекади, бунда тунги апноэли шахсларда семизлик кўпроқ ва яққолроқ аниқланган.

Ронхопатияли 208 нафар бемордан 63 нафари (30,2±4,2%)ида – I даражали, 74 нафар (35,6 ±3,8%)ида – II даражали семизлик қайд этилди. Тана вазни 63 кг дан 167 кг гача ўзгариб турди. Вазн медианаси 96,3 кг ни ташкил этди. Ўртача вазн, бел айланаси, бўйин айланаси, ТВИ сифатидаги бундай антропометрик параметрлар оғир даражали ронхопатияда юқори бўлди. Бироқ ушбу параметрларнинг ронхопатиянинг оғирлик даражасиға боғлиқлиғи кузатилмади, чунки енгил даражали ронхопатия ва ўртача оғирлик даражасидаги ронхопатияда фарқлар қайд этилмади.

I гуруҳ беморларида бурундан нафас олишнинг бузилиши вақти-вақти билан қайд этилди. Текширишлар чоғида 123 нафар беморда гиперемия ва бурун бўшлиғининг шишиши, 116 нафар беморда бурун-ҳалқум шиллик

қавати шишиши ва бурун тўсиғининг қийшайиши билан биргаликда бурун шиллик қаватининг ўзгариши кузатилди.

II гуруҳдаги 84 нафар беморда турли яққоллик даражасидаги бурун бўшлиғи шиллик қаватининг шишиши, 57 нафарда – бурун бўшлиғи шиллик қаватининг гиперемияли цианози, бурундан нафас олишнинг қатъий бузилиши билан бурун-ҳалқум шиллик қаватида шиш ва бурун тўсиғининг қийшайиши аниқланди.

Бурун бўшлиғи шиллик қаватининг транспорт функциясининг пасайиши яллиғланиш жараёнларининг оқибати ҳамда яллиғланиш жараёнларининг келгусида ривожланиши, бурундан нафас олиш функцияси бузилишининг кучайиши шартли ҳисобланади. Шунинг учун мукоцилиар клиренсни текшириш бурундан нафас олиши бузилган ронхопатияси бўлган беморлар ҳолатини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири бўлиб ҳисобланади.

I гуруҳдаги 17 нафар (67 дан 25,3 фоизи) беморда мукоцилиар транспорт вақти 10 дан 15 минутгачани ташкил этди. 42 нафар беморда (27,3%) мукоцилиар транспорт вақти 15 минутдан 25 минутгачани ташкил этди ва мукоцилиар етишмовчиликнинг 1-даражасига мос келди; 36 нафар (23,4 дан 5,8%) беморда мукоцилиар транспорт 26 минутдан 40 минутгачани ташкил этди ва бу мукоцилиар етишмовчиликнинг 2–3-даражаларига мос келади. 20 нафар кўнгилли соғлом кишиларда мукоцилиар транспорт вақти 10 дан 15 минутгачани ташкил этди.

Тадқиқотдан олинган мукоцилиар транспорт натижалари ва бурун бўшлиғи патологиясининг ронхопатияга таъсирини таққослаш учун биз барча беморларни вертикал ҳамда горизонтал ҳолатда текширдик. Хуррак ва доимий равишда бурни «битиб» юришидан шикоят қилган беморларда мукоцилиар транспорт бузилиши яққоллиги таққосланганда интенсив хуррак ва унинг 2–3-даражалари, мукоцилиар транспортнинг сиқилиши ўртасида корреляцион алоқа мавжудлиги аниқланди. Хурракнинг юқори интенсивлиги бўлган барча текширилган беморларда гавда горизонтал ҳолда турганда мукоцилиар транспортнинг 3-даражаси 35 минут ва ҳатто ундан юқори бўлди, гавда вертикал ҳолда турганда мукоцилиар транспорт 2-даражадан ошмади.

Бурун бўшлиғи шиллик қавати ажратиш функциясининг бузилиши II гуруҳ беморларда юқори бўлди: жарроҳлик аралашувини талаб этувчи бурун тўсиғининг қийшайиши ва бир томонлама гипертрофияда – 2-даража (83,4%), вазомотор ринитли беморларда – 1-даража (8,3%). Қуйи бурун чиғаноклари гипертрофияси томонида бурун бўшлиғи шиллик қавати ажратиш функцияси бузилиши 1-даража, қарама-қарши томондагиси – 3-даража (8,3%) сифатида баҳоланди, яъни буруннинг ушбу томонида субатрофик жараён деярли кузатилмади.

Иккинчи гуруҳ беморларида даволанишга қадар назорат ва биринчи гуруҳ билан таққосланганда бурун бўшлиғи шиллик қаватининг ажратиш функцияси бузилиши сезиларли юқори бўлди.

Олд фаол риноманометрия бурун ичи структураларининг ҳаво оқими (R ёки СВП) қаршилиги ҳамда нафас олиш ва нафас чиқариш жараёнида

буруннинг ҳар бир ярми учун ҳавонинг ҳажмли оқимини (ХҲО) аниқлаш имконини беради.

ОФРМда I гуруҳ беморларида ҳаво оқимиға қаршилиқ (ХОҚ) танани вертикал ҳолатдан горизонтал ҳолатға ўзгартирганда ортди. Ҳаво оқимиға қаршилиқ кўрсаткичининг нисбати ҳавонинг ҳажмли оқимиға тескари пропорционал, яъни ХОҚ ортганда ХҲО камаяди. ОФРМ кўрсаткичлари мос келди ёки меъёр кўрсаткичларидан 1,5 баробар юқори бўлди, тана ҳолати ўзгартирилганда бурундан нафас олишнинг қийинлашиши кузатилмади.

II гуруҳ беморларида биринчи гуруҳ беморлари билан таққосланганда бемор чалқанча ётганида ХОҚ 3–4 баравар ошган, шунингдек, ХҲО кескин камайган, бу текширилувчининг танаси горизонтал ҳолатда бўлганда бурундан нафас олишнинг кескин қийинлашишидан далолат беради.

Бурун бўшлиғи шиллиқ қавати (ББШҚ) лабиллик индекси қуйидагича ҳисоблаш қуйидагича амалға оширилди: соғлом қўнгилли шахсларда тананинг вертикал ҳолати горизонтал ҳолатға ўзгартирилганда бурун цикли фазаларининг алмашинуви сақланиб қолди. $IVOL = VOL 2$ ўнгдан (ўтирганда/ётганда) – $5,05/3,55=1,42$; $VOL 2$ чапдан (ўтирганда/ётганда) – $5,03/3,50=1,43$; $(VOL 2$ ўнгдан + $VOL 2$ чапдан) / 2 = $(1,42+1,43):2=1,42$. $IR = R$ ўнгдан нафас чиқарганда (ўтирганда/ётганда) – $0,38 / 0,27=1,41$; R чапдан нафас чиқарганда (ўтирганда/ётганда) – $0,40 / 0,28=1,43$; $(R$ ўнгдан нафас чиқарганда + R чапдан нафас чиқарганда) / 2 = $(1,41+1,43) / 2=1,42$ $IL = IVOL = IR=1,4\pm 0,04$

I гуруҳ беморларида ББШҚ лабиллиги индексининг ўзгариши назорат гуруҳи билан таққосланганда аҳамиятсиз бўлди ва қуйидагини ташкил этди:

$IL=IVOL =IR=1,5\pm 0,05$ ($IVOL =IR>1,4$); яъни $IVOL$ ва IR назорат гуруҳидаги каби ўзаро тенг бўлди.

$IVOL 2 = VOL 2$ чапдан (ўтирганда/ётганда) – $4,85 / 3,22=1,51$; $VOL 2$ чапдан (ўтирганда/ётганда) – $4,79 / 3,19=1,50$; $(VOL 2$ чапдан + $VOL 2$ чапдан) / 2 = $(1,51+1,50) / 2=1,5$

$IR = R$ чапдан нафас чиқарганда (ўтирганда/ётганда) – $0,49 / 0,34= 1,44$; R чапдан нафас чиқарганда (ўтирганда/ётганда) – $0,53 / 0,32=1,65$; $(R$ чапдан нафас чиқарганда + R чапдан нафас чиқарганда) / 2 = $(1,44+1,65) / 2=1,54$. II гуруҳ беморларида ББШҚ ишининг цикллилиги кескин камайди ёки умуман бўлмади, бурун цикли фазаларининг алмашиши юз бермади. ББШҚ лабиллиги индекси ушбу гуруҳда $IVOL=3\pm 0,05$ ва $IR=6\pm 0,05$ ни ташкил этди ва назорат гуруҳи ҳамда I гуруҳдан олинган натижалардан фарқли ўларок, ўзаро тенг бўлмади. $IVOL 2 = VOL 2$ чапдан (ўтирганда/ётганда) – $4,30 / 1,39 = 3,09$; $VOL 2$ чапдан (ўтирганда/ётганда) – $4,32 / 1,43 = 3,02$; $(VOL 2$ чапдан + $VOL 2$ чапдан) / 2 = $(3,09+3,02) / 2=3$ $IR = R$ чапдан нафас чиқаришда (ўтирганда/ётганда) – $3,11 / 0,49=6,3$; R чапдан нафас чиқаришда (ўтирганда/ётганда) – $3,22 / 0,53=6,1$; $(R$ чапдан нафас чиқаришда + R чапдан нафас чиқаришда) / 2 = $(6,3+6,3) / 2=6,2$.

I ва II гуруҳ беморларида уйқу пайтида обструкция даражасини аниқлаш учун фиброскопия ва слипвидеоэндоскопия ўтказилди. Барча беморларда юмшоқ танглай орқа девори гипертрофияси, юмшоқ танглай ва тилча

гипертрофияси, танглай равоқлари ва тилнинг бодомча безлари гипертрофияси аниқланди. Кузатилган ўзгаришлар, шубҳасиз, эслатиб ўтилган структураларда функционал юкламанинг ортиши билан боғлиқ бўлди. Тадқиқотдан олинган натижалар шундан далолат берадики, I ва II гуруҳлардаги барча беморларга увулопалатоластикага кўрсатма берилди.

Буруннинг қўшимча бўшлиқларидаги эҳтимолӣ ўзгаришларни аниқлаш мақсадида I ва II гуруҳ барча беморларида бурун ёндош бўшлиқлари (БЁБ)да рентгенография ва компьютер томография бажарилди.

БЁБ рентгенографиясида II гуруҳдаги 37 нафар (32,5%) бемордан 12 нафарда бурун чиғаноқлари шиллиқ қаватининг аҳамиятли қалинлашиши бурун ичи структурали қаршилигининг ортишига мос келди ва гиперпластик жараённи акс эттирди.

II гуруҳ беморларида бурун ёндош бўшлиқлари шиллиқ қавати яллиғланишли ўзгаришининг рентгенологик белгилари I гуруҳ беморларига нисбатан аҳамиятли кўп аниқланди (мос ҳолда 79,1% ва 51,3%, $p < 0,05$). БЁБ рентгенографиясида бурун ёндош бўшлиқлари шиллиқ қаватининг у ёки бу даражада қалинлашиши, асосан, юқори жағ бўшлиқлари ва хужайраларнинг панжарали лабиринти II гуруҳ беморларининг 12 нафар (32,5%) ҳамда I гуруҳ беморларининг 9 нафар (13,4%)ида кузатилди.

Рентгенография ва компьютер томографияси натижалари ринометрик текширишлар маълумотларини ўзаро таққослаш орқали баҳоланди. Бу амалга оширилиши керак бўлган жарроҳлик амали ҳажми ва характерини аниқлаш имконини берди.

Тадқиқотга жалб этилганларнинг барчасида сўровнома ўтказилди. Текширув натижалари асосида аниқландики, 76 нафар (50,4%) беморда эрталаблари заифлик, чарчоқ, уйқуга тўймаганлик ҳисси, уйқунинг самарасизлиги, бош оғриғи ҳис этилди. Кун давомида кўплаб беморлар, айниқса, тинч ҳолатда, китоб ўқиганда, телевизор кўрганда ва шу кабиларда яққол уйқучанликни қайд этишди. Кундузги яққол уйқучанлик туфайли беморларда автомобил бошқарувига қийинчилик туғдиради. Беморларни юқорида кўрсатилган шикоятлар қанча кўп безовта қилса, улар шунчалик интенсив бўлди. Ушбу тестнинг мақсади ронхопатияда беморлар ҳис қилувчи қийинчиликларни аниқлаш ҳисобланди.

Хуррак интенсивлиги ва ронхопатия даражаси, уларнинг вариантлари ва асоратлари полисомнография ёрдамида баҳоланди ва бу I ва II гуруҳдаги барча беморларда ўтказилди. 20 дан 40 дБгача хуррак интенсивлиги – 23 нафар (22,1%), 41 дан 60 дБгача – 41 нафар (39,4%), 61 дан 80 дБгача – 40 нафар (38,5%) беморда қайд этилди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ронхопатия яққоллигини таснифлаш учун апноэ/гипопноэ индекси (АГИ)нинг қуйидаги градацияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ: енгил даража – 5 дан 20 / соат, ўрта – 20 дан 40 / соат, оғир – 40 / соатдан юқори.

Диссертациянинг «**Ронхопатияли беморларда молекуляр-генетик текширишлар натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида NOS3 (rs2070744), TGFb1 (rs1800471) ва VEGFA (rs2010963) генлари полиморф

маркерлари аллел ва генотипларининг тақсимланиш частотаси таҳлил қилинган.

Жами 104 нафар ронхопатияли беморлар (асосий гуруҳ) ўрганилган. Беморларнинг ушбу гуруҳи касаллик кечишининг оғирлик даражасига кўра 2 та кичик гуруҳларга ажратилди: 1. Ронхопатиянинг енгил даражаси бўлган беморлар (n=67). 2. Ронхопатиянинг ўрта даражаси кузатилган беморлар (n=37). Назорат гуруҳини ўзбек миллатига мансуб бўлган 50 нафар ронхопатиясиз соғлом донорлар ташкил этди.

Кузатувимиздаги бурун орқали нафас олиши бузилган ронхопатияли беморлар ҳамда назорат гуруҳидаги соғлом инсонлардан олинган намуналарда NOS3 гени rs2070744 аллел ва генотиплари теоретик ва эмперик тақсимланишининг Харди–Вайнберг мувозанатига (ХВМ) мослиги текширилди.

NOS3 гени rs2070744 генотипик вариантларининг тақсимланиши таҳлиллари шуни кўрсатдики, ушбу полиморфизм учун ронхопатияли беморлар ва назорат гуруҳларида генотипларнинг фактик тақсимланиши Харди–Вайнберг тенграмасида назарий кутилганга мос келади ($p=0,2$) (1-жадвал).

1-жадвал

Асосий гуруҳдаги ронхопатияли беморларда NOS3 генида rs2070744 полиморфизми генотипларининг Харди–Вайнберг мувозанати (ХВМ) бўйича кутилган ва кузатилган тақсимланиш частоталарининг қиёсий фарқи

Асосий гуруҳ					
Аллеллар	Аллеллар частотаси				
С	0,75				
Т	0,25				
Генотиплар	Генотиплар частотаси		χ^2	p	Df
	кузатилган	кутилган			
С/С	0,59	0,56	0,1		
С/Т	0,33	0,38	0,6		
Т/Т	0,09	0,06	1,0		
Жами	1,0	1,0	1,7	0,2	1

Ронхопатияли беморлар гуруҳида С/С гомозиготали генотипларнинг кузатилган частоталари назарий частоталарга нисбатан аҳамиятсиз юқори эканлиги аниқланган (мос ҳолда 0,59/0,56; $\chi^2=0,11$; $p=0,2$). Шунингдек, асосий гуруҳда NOS3 гени rs2070744 полиморфизмининг кузатилган С/Т гетерозиготали даражаси теоретик частотага нисбатан статистик аҳамиятсиз паст эканлиги аниқланди (мос ҳолда 0,31/0,36; $\chi^2=0,7$; $p=0,2$). N_{obs} ва N_{exp} кўрсаткичларининг нисбий оғиш даражаси салбий бўлди ва фиксация индекси $D=-0,13$ кўрсаткични ташкил этди.

Асосий ва назорат гуруҳларида нохуш гомозиготали Т/Т генотип частотаси сезиларли паст кўрсаткичга эга эканлиги аниқланди (мос ҳолда 0,08/0,05; $\chi^2=1,0$; $p=0,2$).

Назорат гуруҳида С/С гомозиготали генотипларини кузатилган ва кутилган қиёсий частоталари мос ҳолда 0,61 ва 0,59 кўрсаткичларни ташкил қилди ($\chi^2=0,11$ ва $p=0,2$). Эмперик ва теоретик гетерозиготали С/Т генотип $N_{obs}=0,31$ қарши $N_{exp}=0,36$ ни ташкил этди ($\chi^2=0,7$ ва $p=0,2$). Ушбу гуруҳда N_{obs} ва N_{exp} нинг фиксация индекси, яъни нисбий оғиши ҳам салбий бўлиб чиқди – $D=-0,14$. Бу маълумотлар, ҳар иккала ўрганилган қиёсий гуруҳимизда гетерозиготали ҳолат даражаси нисбатан юқорилиги, салбий гомозигота генотипни тарқалиш частотаси нисбатан пастлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, ўрганилган қиёсий гуруҳларида NOS3 гени rs2070744 полиморфизми генотипларининг ҳақиқий-кузатилган ва назарий-кутилган кўрсаткичлари ўртасида гетерогенлик қайд этилмади. Олинган популяцион-генетик маълумотлар ўрганилган беморлар ва назорат гуруҳлари ўртасидаги қиёсий фарқни репрезентативлигидан далолат беради ва ўрганилган локусни ронхопатиянинг патогенезида иштирок этиш даражасини баҳолаш этапи ишларини ўтказиш имконини яратади.

Ронхопатияли беморлар ва назорат гуруҳларида NOS3 генида rs2070744 локусининг ассоциатив таҳлили ҳам «case-control» дизайни ёрдамида ўтказилди.

Ўрганилган беморлар ва назорат гуруҳларида С ва Т аллеллар концентрация нисбати мос ҳолда 75,0% ва 25,0% қарши 76,7% ва 23,3% ни ташкил этди ($\chi^2=0,2$; $P=0,5$; $RR=1,0$; $95\% CI:0,6-1,6$; $OR=1,1$; $95\% CI:0,7-1,7$). Патология ривожланишининг ҳисобланган нисбий хавфи $95\% CI:0,6-1,5$ ишонч интервалида 1,0 ни ташкил этди.

Ўрганилган ронхопатияли беморлар ва назорат гуруҳларида NOS3 генида rs2070744 С/С, С/Т ва Т/Т генотиплари частотаси мос ҳолда 58,6%, 32,7% ва 8,6% ларга қарши 61,4%, 30,7% ва 7,9% кўрсаткичларни ташкил этди. Кўриш мумкинки, ронхопатияли беморлар орасида Т/Т нинг ёввойи генотипи частотаси назорат гуруҳига нисбатан ишончсиз паст кўрсаткичга эга (58,6% қарши 61,4%; $\chi^2=0,04$; $P=0,5$; $OR=1,1$; $95\% CI:0,04-2,9$). Нисбий имкониятлар коэффициентига мувофиқ ронхопатияли беморларда ушбу генотип ташувчиларида касалликнинг ривожланиш хавфи 1,0 ни ташкил этади ($\chi^2=0,04$; $P=0,5$; $RR=1,1$; $95\% CI=0,4-2,8$; $OR=1,1$, $95\% CI=0,4-3,0$).

Маълумки, асосий гуруҳнинг кичик гуруҳларга верификацияси OR аҳамиятини кучайтиради ва мойиллик даражасини аниқлашни янада аниқ баҳолаш имконини беради. Шунинг учун ушбу тадқиқотнинг навбатдаги босқичида ронхопатиянинг енгил ва ўрта оғир даражалари бўлган беморларнинг кичик гуруҳларида NOS3 генида rs2070744 полиморфизмининг қиёсий таҳлили амалга оширилди.

Қайд этиш жоизки, NOS3 генида rs2070744 полиморфизмининг аллел ва генотипик вариантлари ронхопатиянинг енгил ва ўрта оғир даражалари бўлган беморлар ўртасида тенг тарқалган, аниқланган фарқлар статистик ишончли даражага етиб бормади ($p>0,05$).

Ушбу маркернинг бурундан нафас олиш бузилиши шаклланишида иштирок этиши тўғрисидаги назарий концепцияларга қарамасдан, ушбу

тадқиқотни амалга ошириш давомида олинган маълумотлар ронхопатиянинг ривожланиши ва клиник кечишида ушбу маркернинг мустақил роли йўқлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, NOS3 генида rs2070744 полиморфизми ронхопатия ривожланиши ва бурундан нафас олишнинг бузилиши шаклланишида мустақил равишда маълум бир ҳисса қўша олмайди.

TGFb1 гени rs1800471 генотипик вариантлари тақсимланиш таҳлили шуни кўрсатдики, кузатувимиздаги беморлар ва назорат гуруҳларида ушбу полиморфизм учун генотипларнинг фактик тақсимланиши ХВМ назарий кутилганга мос келади ($p < 0,05$).

Ўрганилган беморлар ва назорат гуруҳларида Arg ва Pro аллелларининг учраш частотаси мос ҳолда 0,72/0,28 ва 0,79/0,21 ни ташкил этди.

